

## Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасига бириктирилган махсус тоифадаги ёшлар билан амалга оширилган ишлар тўғрисида

### МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони 1-банди ижросини таъминлаш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмитага бириктирилган 30 нафар ёшлар билан ишлар йўлга қўйилди.



Қўмита раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан жорий йилнинг 19 апрель куни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган, “Шайх Зайниддин” масжидининг фаоллар залида, қўмита раҳбарига бириктирилган ёшлар билан суҳбатлар ташкил этилди. Суҳбат давомида уларнинг моддий ва маънавий ҳолати ўрганилиб, фикр-мулоҳазалари ва муаммолари тингланди.

Қўмита раиси биринчи ўринбосари **Д.Махсудов** ва қўмита Хотин-қизлар бўлими бошлиғи **Ф.Абдурахимовалар** сўзга чиқиб, ҳозирги глобаллашув шароитида ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар онгини ёт ғоялар таъсиридан асраш, ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм иллатларининг олдини олишга қўмаклашиш ҳамда ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганлиги тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, юртимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантириш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, онгу



тафаккурини юксалтириш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланишини маълум қилинди.

Бундан ташқари, кўмита раҳбарияти шу кунни жами **27 нафар** ёшлар билан яқка тартибда суҳбатлар ҳам олиб бориб, уларнинг муаммоларини ўрганди.

Суҳбат асносида ёшларнинг муаммолари ва саволлари ўрганилди. Ёшларнинг аксарият қисми моддий ёрдам сўраб мурожаат этди.

Шунингдек, баъзилари пробация ва профилактик рўйхатдан чиқариш бўйича ўз таклифларини билдирдилар. Мазкур ёшлар бугунги кунда иш жойи ва касбига эғалиги, ўзини ўзи банд этганликларини маълум қилганлар. Ушбу масалада маҳалла раислари, профилактика назорати инспекторлари тавсиялари ва туман мутасаддилари тавсиялари асосида ечим берилиши юзасидан ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Мулоқотлар якунида, ёшларга **“Фитна – кўз илғамас хатар”**, **“Ислонда ватан тушунчаси”** номли китоблар жамланмаси тақдим этилди.



Кўмита томонидан суҳбатлар жараёнида олинган маълумотлар умумлаштирилиб, Ёшлар агентлиги йўриқномасига мувофиқ, аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган **“Йўл харитаси”** ва улар билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар **режа-графиги** ишлаб чиқилиб, Режа асосида амалга оширилган тадбирлар давом эттирилади.

Бундан ташқари, бириктирилган ёшлар манзилига суҳбат давомида билдирилган моддий муаммоларни ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилади.